

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

5.2019

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

МУНДАРИЖА

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

Ю.П. Апаков, А.Х. Жураев

Карралы характеристикали бешинчи тартибли бир тенгламанинг чекли соҳадаги ечими ҳақида	5
М.Мамажонов, С.М. Мамажонов	
Бешбурчакли соҳадаги тўртинчи тартибли параболик – гиперболик турдаги тенглама учун битта чегаравий масала ҳақида	11
Ж.О.Тахиров	
Амалий математиканинг баъзи замонавий муаммолари ҳақида	19

ФИЗИКА, ТЕХНИКА

Максудов Р.Х., Джураев А., Шухратов Ш., Холдоров Ш

Пахта тозалагичнинг ишчи органлари динамикасини ўрганиш	27
О.Қ. Дехқонова	
Умумий ўрта таълим мактабларида физика ва математика фанлари узвийлигининг таҳлили	33

КИМЁ

О.Эргашев, М.Коххаров, Э.Абдурахмонов

СаA (M-22) цеолитида карбонат ангидрид гази адсорбциясининг энергетикаси	36
БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ҲЎЖАЛИГИ	

М.Холиқов, Ё.Аҳмедова

Фарғона водийсидаги күшларнинг географик тарқалиши ва муҳофазаси	41
Х.М. Шодмонов, Н.З. Сотвоздиев, И.А.Акбаров	
Уй шароитида анордан шарбат ва компот тайёрлаш технологияси	43

ГЕОГРАФИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

Ғ.Юлдашев, Г.Сотиболдиева

Суғориладиган кольматажланган оч тусли бўз тупроқлар агрокимёвий хоссаларининг ўзгариши	46
---	----

М.Т.Исағалиев, З.Ж.Исомиддинов

Суғориладиган сур тусли кўнғир тупроқлар биогеокимёси	51
---	----

В.Ю.Исақов, А.Н.Хошимов

Сўх конус ёйилмаси тупроқларининг экологик мелиоратив ўзгаришлари	57
---	----

Ижтимоий-туманитар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

О.Умаров

Ҳудудларда иқтисодий мустаҳкамлик заҳирасини яратишнинг самараదорлиги	61
---	----

ТАРИХ

З.Й.Эсонов

Фарғона водийси хунармандларининг пирлар билан боғлиқ эътиқодий қарашлари	63
---	----

А.Абдухалимов

Мустақиллик йилларида водий вилоятларида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш муаммолари	67
---	----

М.М.Темирова

Фарғона вилоят радиоси тарихига доир айрим мулоҳазалар	70
--	----

Ш.Махмудов

Қўқон хонлигига хорижий давлатларнинг элчиларини қабул қилиш: анъаналар ва ўзига хослик	74
---	----

А.Юлдашев

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда раҳбар ва бошқарув кадрлар тайёрлаш тизимининг тадқиқотларда акс этиши	77
--	----

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

М.М.Юлдашев, Ш.А.Рахимов

Европа мамлакатларида ёшлар сиёсати: амалиёт ва тажриба	80
---	----

З.Р.Қадирова, А.А.Қамбаров

Ижтимоий фикрлар тарихида тафakkur услуги масаласи	84
--	----

Р.Рўзиева, Н.Эшонқулова, Н.Бобоназарова

Илмий билиш баҳт-саодатга интилиб, ахлоқий маданияти юксалишида муҳим омил	87
--	----

ЕВРОПА МАМЛАКАТЛАРИДА ЁШЛАР СИЁСАТИ: АМАЛИЁТ ВА ТАЖРИБА
МОЛОДЕЖНАЯ ПОЛИТИКА В ЕВРОПЕЙСКИХ СТРАНАХ: ОПЫТ И ПРАКТИКА
YOUTH POLICY OF EUROPEAN COUNTRIES: EXPERIENCE AND PRACTICE

М.М.Юлдашев, Ш.А.Рахимов

Аннотация

Мақолада дунёниг ривожланган мамлакатларида ёшлар сиёсати борасида тўпланган тажриба ва унинг бугунги кундаги ҳолати, Ўзбекистонда юритилётган ёшлар сиёсатини янги босқичга кўтаришда ривожланган давлатларнинг тажрибасини амалиётга татбиқ этиши борасида сўз юритилади.

Аннотация

В статье рассказывается об опыте и современном состоянии молодежной политики в развитых странах мира, о внедрении в практику опыта развитых стран с целью подъема молодежной политики Узбекистана на новый уровень.

Annotation

The article talks about the experience gained in the field of youth policy in the developed countries of the world and its current state, the application of the experience of developed countries to the practice of raising the youth policy in Uzbekistan to a new level.

Таянч сўз ва иборалар: ёшлар, сиёсат, ёшлар сиёсати, ёшлар қатлами, ёшлар ҳуқуқ ва манфаатлари, ёшлар фаоллиги, ёшлар ташаббуслари, иқтидорли ёшлар, ёш кадрлар, миллий тажриба, дунё ёшлари, ёшлар муаммолари, ёшлар ва диний экстремизм, ёшлар тарбияси, ёшлар концепцияси.

Ключевые слова и выражения: молодежь, политика, молодежная политика, представители молодежи, права и интересы молодежи, активность молодежи, молодежные инициативы, одаренная молодежь, молодые кадры, национальный опыт, молодежь мира, проблемы молодежи, молодежь и религиозный экстремизм, воспитание молодежи, молодежная концепция.

Keywords and expressions: youth, politics, youth policy, youth stratum, youth rights and interests, youth activity, youth initiatives, youth leaders, youth cadres, national experience, world youth, youth problems, youth and religious extremism, youth education, youth concept.

Ўзбекистон бугун ёшлар соҳасида халқаро миқёсда ҳам ўз таклифларини билдириб, дунёда ёшлар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида бир қатор ташаббусларни илгари суриб келмоқда. 2017 йил 19 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўзининг БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясидаги нутқида ёшлар ҳуқуқлари бўйича халқаро миқёсдаги таклифлар билан чиқди, терроризм муаммосига катта эътибор қаратиб, унинг туб сабабларига барҳам беришга чақириди. “Бу борада кўп ҳолларда таҳдидларни келтириб чиқараётган асосий сабаблар билан эмас, балки уларнинг оқибатларига қарши курашиш билангина чекланиб қолинмоқда. Халқаро терроризм ва экстремизмнинг илдизини бошқа омиллар билан бирга, жаҳолат ва муросасизлик ташкил этади, деб ҳисоблайман.

Шу муносабат билан одамлар,

биринчи навбатда, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифадир”¹.

Президент Шавкат Мирзиёев экстремистик фаолият ва зўравонлик билан боғлиқ жиноятларнинг аксарияти 30 ёшга етмаган ёшлар томонидан содир этилаётганини таъкидлаб, глобаллашув ва ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланиб бораётган бугунги шароитда ёшларга оид сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишга қаратилган умумлаштирилган халқаро ҳуқуқий ҳужжат – БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқиши таклиф этди. Ушбу ташаббуснинг туб моҳияти ва аҳамияти шундаки, бугунги дунё ёшлари – сон жиҳатидан инсоният

М.М.Юлдашев – фалсафа фанлари доктори.

Ш.А.Рахимов – ЎзР ФА Тарих институти мустақил изланувчisi.

¹Ш.М.Мирзиёевнинг БМТнинг 72-сессиясида сўзлаган нутқидан // <http://president.uz/uz/lists/view/1063>

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

тариҳидаги энг йирик авлод бўлиб, улар 2 миллиард кишини ташкил этмоқда.

Бугунги кунда хорижий мамлакатларда “ёшлар” тушунчаси турли ёндашувлардан келиб чиқсан ҳолда тушунтирилади, бунда нафақат ёш чегараси, балки индивидуал ёки гурухга хос тавсифлар, сифат ва белгилар йиғиндиси назарда тутилади. Ёшлар, аввало, инновацияларни яратувчи ва қўллаб-кувватловчи стратегик ресурс ҳисобланади. Улар моддий ва интеллектуал ресурсларни ишлаб чиқаради. Шунинг учун ҳам ҳар бир мамлакатда ёшларга оид сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мухим ҳисобланади. Бу борада БМТ томонидан 1960 – 1980 йилларда қабул қилинган ҳужжатлар ёшлар сиёсатини ривожлантиришда мухим ўрин тутди. Жумладан, БМТ 1985 йилни ҳалқаро ёшлар иили, деб эълон қилди. 1995 йилда эса ёшларга оид жаҳон харакатлар стратегияси қабул қилинди, 1998 йилда ёшлар ишлари бўйича вазирларнинг ҳалқаро конференциясида ёшлар сиёсати бўйича Лиссабон декларацияси қўллаб-кувватланди.

Ҳозирги замонда “ёшлар” тушунчасининг ёш чегараси аксарият Европа давлатларида турлича, жумладан, Германияда 27 ёшгача, Францияда 15 ёшдан 26 ёшгача, Швецияда 15 ёшдан 25 ёшгача, Финляндияда 29 ёшгача бўлгани ҳолда ёшлар сиёсати соҳасига жалб этилмоқда. Европа мамлакатларининг кўпчилигига ёшлар сиёсати ёшларнинг ҳаёт йўли шаклланишига, жумладан, уларнинг бандлигини таъминлаш ва жамиятдаги фуқаролик иштирокини таъминлашга ёрдам беришни мақсад қилган. Аммо асосий эътибор ёшларга таълим беришга ва улар ўртасида тренинглар ўtkазишга қаратилмоқда. Европа давлатларининг аксарияти ёшлар сиёсатини уч босқичда амалга ошироқда². Биринчи босқичда ёшлар сиёсатининг ҳуқуқий асоси ва умумий йўналишлари марказий ҳукумат даражасида ишлаб чиқилади. Иккинчи босқичда эса ҳукумат ҳудудларга ишлаб чиқилган йўналишларни амалга ошириш учун

жўнатади. Учинчи босқичда эса ишлаб чиқилган йўналишлар ёшлар ташкилоти томонидан амалга оширилади. Ёшларнинг ёшлар сиёсатидаги иштироки асосан ёшлар ташкилоти орқали амалга оширилади. Масалан, Германияда 90 тага яқин ҳудудлараро ёшлар ташкилоти ва иттифоқлари мавжуд бўлиб, уларга мамлакат ёшларининг 25 фоизи аъзо бўлган.

Давлат ёшлар билан ишлашда иттифоқлар, жамиятлар, диний бирлашмалар, фондлар ва бошқа мустақил ташкилотларга кенг ўрин берган. ГФРда ёшлар сиёсатини амалга ошириш ҳокимиёт органларининг асосийларидан бири Оила, кексалар, хотин-қизлар ва ёшлар ишлари бўйича федерал вазирликдир. Мазкур вазирлик ГФР федерал ҳукуматига бевосита бўйсунади, ҳар тўрт йилда “Германияда ёшларнинг аҳволи тўғрисида” ҳисбот топшириб боради.

Германияда ёшлар билан ҳалқаро миқёсда ишлаш бўйича Германия миллий комитети ҳам фаолият юритади. У ёшлар манбаатини ҳалқаро даражада ҳимоя қилиб, Европа ёшлар форумининг тенг ҳуқуқли аъзоси ҳисобланади. Мазкур комитет ёшлар сиёсатининг ички масалалари билан шуғулланмайди³. Германияда ёшлар сиёсати доирасидаги лойиҳа ва тадбирларнинг ярмидан кўпи нодавлат бирлашмалар ҳиссасига тўғри келади.

Европа давлатларининг ёшлар сиёсатини ўрганиш натижасида давлатларнинг ёшлар сиёсатига нисбатан қуйидаги стратегияларини ажратиб кўрсатиш мумкин⁴. Биринчидан, баъзи давлатларда ёшлар сиёсати соҳасида давлатнинг етакчи роль ўйнашини эътироф этиш керак. Масалан, Германия ва Франция каби давлатларда давлат, нодавлат ташкилотлари билан узвий ҳамкорликда ёшлар сиёсатининг йўналишларини белгилаб беради. Жумладан, Францияда ёшлар сиёсати Ёшлар, спорт ва жамоат ташкилотлари ишлари бўйича вазирлик, Ҳалқ таълими вазирлиги, Бандлик ва ҳамкорлик вазирлиги, Маданият ва

² Молодежная политика: европейский опыт. Доклад Института Европы РАН №163. – М.: ИЕ РАН – «Огни ТД», 2005. - С. 8-46.

³ Самохвалов Н.А. Сравнительный анализ практик реализации государственной молодежной политики в

современном мире // Сравнительная политика. – 2016. - №4. – С. 143-150.

⁴ Леонов Ю.С. Стратегии европейской государственной молодежной политики: основные направления и тенденции // Аналитический Вестник Совета Федерации СФ РФ. – 2007. – №4. – С.19 -30.

коммуникация вазирлиги иштирокида ишлаб чиқилади. Мазкур вазирликлар жойларда ёшлар сиёсатини амалга оширишга масъул бўлган ҳудудий бошқармаларга эга.

Мазкур давлатларда асосий молиявий масъулият куйи даражаларга тушади. Бундай молиялаштириш тизими локал ва регионал хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ёшларга аниқ йўналтирилган ёрдам бериш имконини беради. Давлат томонидан молиялаштиришдан ташқари бошқа молиялаштириш шакллари ҳам учрайди. Масалан, Немис ёшлари маркаси фонди Германияда энг катта ёшлар фондларидан бири ҳисобланади. Мазкур фонд федерал молия вазирлиги томонидан чиқариладиган маҳсус почта белгиларини сотишдан тушадиган маблағларга эгалик қиласи ва бу маблағларни ёшларни ривожлантиришга йўналтиради⁵.

Германияда мустақил экспертлар томонидан ёшлар муаммоларининг мунтазам равишда мониторинг қилиб борилиши вазиятни турлича баҳолаш асосида узоқ муддатли мулоҳазали қарор қабул қилишга ва зарур ўзгартишлар киритишга имкон яратади. Ёшлар сиёсати бўйича ривожланган ҳукукий базага эга бўлган давлатлардан бири Германияdir. Бу мамлакатда ёшлар манфаатларини ҳимоя қилувчи қонунларнинг қабул қилиниши қадимий анъаналарга эга. Жумладан, Германияда 1839 йилда ёшларнинг фабрикада бандлиги ҳақидаги Фармон, 1900 йилда вояга етмаганларга ғамхўрлик қилиш ҳақидаги Пруссия қонуни, 1922 йилда ёшларга ёрдам бериш ҳақидаги Қонун қабул қилинган эди⁶.

Евropa давлатлари орасида давлат ва фуқаролик жамияти структураларида ёшлар сиёсати соҳасидаги тенглик стратегияси мавжуд. Масалан, Буюк Британия ва Швецияда давлат ёшлар сиёсати бўйича умумий йўналишни, мақсад ва вазифаларни шакллантиради. Лекин уни амалга оширишда маҳаллий бошқарув органлари ва жамоат ташкилотлари асосий роль йўнайди. Швеция

ва Буюк Британия давлатларида ёшлар ҳамда ёшлар сиёсати бўйича маҳсус вазирликлар мавжуд эмас. Уларда ягона миллий дастур ва режа ишлаб чиқиш йўлга қўйилмаган ҳамда турли вазирликлар, бошқармалар, ижтимоий муассасалар ўз вазифалари доирасида ёшлар сиёсатини амалга оширади. Шунга қарамасдан, Буюк Британияда ёшлар сиёсатини амалга ошириш Таълим вазирлиги ва болалар ҳамда ёшлар ишлари бўйича комитет томонидан, Швецияда эса Маданият вазирлиги томонидан мувофиқлаштирилади.

Мазкур давлатларда ёшлар ижтимоийлашувининг муҳим воситаси сифатида қаралган таълимнинг қамрови ва сифатини ошириш ёшлар сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Сифатли, керакли мутахассислик бўйича таълим олган ёшлар ижтимоий барқарорликнинг кафолати ҳисобланishiadi. Бундан ташқари, ёшлар ўртасидаги ишсизликни минимал даражага тушириш ҳам ёшлар сиёсатидаги муҳим йўналиш ҳисобланади. Жумладан, Буюк Британияда ишсизликка қарши курашиб учун “Ёшлар учун янги курс” дастури доирасида ёшларнинг индивидуал хусусиятларини, эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг касб танлашига маслаҳат ва тавсиялар берилади. Швецияда эса ишга жойлашиб муаммоси ва касбий қайта тайёрлов муаммосига маҳаллий меҳнат бозорининг хусусиятларини ва кадрларга бўлган эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда тизимли ёндашилади.

Евropa комиссияси, Евropa Кенгаши, БМТ, Жаҳон банки каби халқаро ташкилотлар ўз фаолиятларида бошқа давлатлар каби Туркияда ҳам ёшларга доир ишларни институционализация қилишда муҳим роль йўнамоқда. Масалан, 2008 йилда 47 та мамлакат фаолиятида иштирок этган Евropa Кенгashi унга аъзо мамлакатларда 1997-2001 йилларда ёшларга оид сиёсатни тафтиш қилиб, унинг натижаларини эълон қилди⁷.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ёшлар манфаатларини таъминлашга

⁵База данных о международной работе с молодежью. Германия. – Режим доступа http://www.dija.de/downloads/downloads/Deutschland_Russisch.pdf

⁶Чальцева И.С. Молодежная политика за рубежом: попытка анализа [Электронный ресурс] // Сибирский педагогический журнал. 2010. № 2. Режим доступа:

<http://cyberleninka.ru/article/n/molodezhnaya-politika--za--rubezhom--popytka--analiza> (дата обращения: 01.12.2015).

⁷ Türkiye'de gençlik: insane gelişme raporu / UNDP // Türkiye Birleşmiş Milletler Kalkınma Programı. – Ankara, 2008.

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

қаратилган саъй-ҳаракатлар миллий қадриятлар ва анъаналарга асосланган кўп асрлик тажриба ва амалиётдан фойдаланган ҳолда ёшларнинг ижтимоий ҳимояси масалаларини устун қўйиш, ёшларнинг янги демократик жамиятга мослашуви жараёнларини қўллаб-кувватлаш, ёшлар масаласида жаҳон тажрибасида мавжуд бўлган илғор ғоя ва нормалардан унумли фойдаланиш тамойилларига асосланди.

Бугунги жамиятимизнинг ёшлар сиёсатини амалга ошириш моделида ҳам ўзига хосликлар мавжуд бўлиб, ривожланган мамлакатлар ёшлар сиёсати модели билан ўхшаш жиҳатлар нодавлат структураларнинг муҳим роль ўйнаши билан белгиланади. Шу ўринда Европа давлатлари ёшлар сиёсатининг баъзи жиҳатларини тажриба сифатида амалиётда қўллаш мамлакатимиз ёшлар сиёсати ривожига оз бўлса-да ҳисса қўшади. Хулоса ўрнида Европа давлатлари ёшлар сиёсатининг баъзи жиҳатларини қайд этиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Биринчидан, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи ҳар 2,5 йилда Ўзбекистонда ёшларнинг умумий аҳволи тўғрисида миллий ҳисбот эълон қилиб бориши керак. Иккинчидан, ёшлар сиёсатини молиялаштириш тизимидағи масъулиятни

куйи даражага тушириш лозим. Учинчидан, жамиятда ёшлар сиёсати билан шуғулланувчи нодавлат ташкилотлар сонини ошириш лозим. Тўртинчидан, мустақил экспертлар томонидан ёшлар муаммоларини мунтазам мониторинг қилиб бориш тизимини ишлаб чиқиш ва уни йўлга қўйиш керак. Бешинчидан, ёшлар ўртасидаги ишсизликни минимал даражага тушириш ёшлар сиёсатининг энг муҳим йўналишига айланиши керак. Бу борада “Ёшлар - келажагимиз” дастури доирасида Президент Ш.Мирзиёев томонидан белгилаб берилган вазифалар ижросини тўлиқ ва сифатли бажаришимиз лозим. Олтинчидан, республикамида амалга оширилаётган ёшлар сиёсатини институционализация қилишда БМТ, Европа комиссияси, Жаҳон банки каби ҳалқаро ташкилотларни кенгроқ жалб қилиш ва улар имкониятларидан миллий манфаатларимиз доирасида фойдаланиш ишларини кенгайтишимиз лозим. Юқоридаги масалалар жамиятнинг сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётида ёшлар муаммоларини ҳал этишда муҳим ўрин тутиши билан бирга ёшлар бандлигини таъминлашга ва меҳнат фаолияти сифатини яхшилашга хизмат қиласди.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017.
2. Ш.М.Мирзиёевнинг БМТнинг 72 – сессиясида сўзлаган нутқидан // <http://president.uz/uz/lists/view/1063>
3. Молодежная политика: европейский опыт. Доклад Института Европы РАН №163. – М.: ИЕ РАН – «Огни ТД», 2005.
4. Самохвалов Н.А. Сравнительный анализ практик реализации государственной молодежной политики в современном мире // Сравнительная политика. – 2016. - №4.
5. Леонов Ю.С. Стратегии европейской государственной молодежной политики: основные направления и тенденции // Аналитический Вестник Совета Федерации СФ РФ. – 2007. – №4.
6. База данных международной работе с молодежью. Германия. – Режим доступа http://www.dija.de/downloads/downloads/Deutschland_Russisch.pdf
7. Чальцева И.С. Молодежная политика за рубежом: попытка анализа [Электронный ресурс] // Сибирский педагогический журнал. 2010. № 2. Режим доступа: <http://cyberleninka.ru/article/n/molodezhnaya-politika-za-rubezhom--poprytka--analiza> (дата обращения: 01.12.2015).
8. Türkiye'de gençlik: insane gelişme raporu / UNDP // Türkiye Birleşmiş Milletler Kalkınma Programı. – Ankara, 2008.

(Тақризчи: М.Исомиддинов – тарих фанлари доктори, профессор)